

Договор №7-11/С
на поставку и монтаж солнечных панелей
ООО «Жиззах сув таъминоти» по лоту № 165817

г. Ташкент

«17» ноября 2022г.

АО «Узсувтаъминот», именуемое в дальнейшем «Покупатель», в лице заместитель председателя правления **Рахматуллаева Х.Х.**, действующего на основании Доверенности №1-9, от 09.11.2020, действующего на основании Положения, с одной стороны, и АО «O'ZBEKENERGOTA'MIR», именуемое в дальнейшем «Поставщик», в лице и.о.генерального директора **Раджабова И.Б.**, действующего на основании Устава с другой стороны, заключили настоящий договор о нижеследующем:

1. Предмет договора

Поставщик обязуется:

1.1 В соответствии с настоящим Договором Покупатель поручает, а Поставщик принимает на себя обязательство осуществить работы по поставке и установке солнечных фотоэлектрических станций, согласно спецификации (**Приложение №1** к настоящему Договору) Покупателю для использования в хозяйственной и предпринимательской деятельности;

1.2 Осуществить работы по установке поставляемых солнечных панелей с использованием материалов Поставщика.

1.3. Качество поставляемой продукции должно соответствовать требованиям нормативных документов по стандартизации (ГОСТ, O'zDSt, Ts и т.п.), техническим требованиям «Покупателя», а также другим нормам и правилам, установленным для поставляемой продукции в Республике Узбекистан.

1.4. Срок поставки и установки комплектующих устройств солнечной фотоэлектрической станции, использующиеся для электроснабжения существующих насосных сооружений составляет не более 60 (шестьдесят) календарных дней после оплаты авансового платежа.

2. Стоимость (цена) договора

2.1. Цена настоящего договора составляет **147 484 975 (сто сорок семь миллионов четыреста восемьдесят четыре тысячи девятьсот семьдесят пять) сум, с учетом 15% НДС 19 237 171 сум**, что подтверждается спецификацией (Приложение).

2.2. Эта сумма включает в себя все необходимые расходы Поставщика по настоящему Договору.

3. Порядок оплаты

3.1. Предварительная оплата в размере 30 % от общей суммы договора производится в течение 10 (десяти) банковских дней после регистрации договора в Казначействе Министерства финансов Республики Узбекистан.

3.2. Последующая оплата фактически поставленной и установленной продукции производится в течение 10 (десяти) банковских дней после составления акта приема по представленным счетам-фактурам, с учетом вычета суммы произведенной предоплаты.

3.3. Основанием для проведения последующей оплаты являются акты выполненных работ и счет-фактура, подписанные между «Покупателем» и «Поставщиком».

3.4. После проведения взаиморасчетов, а также после истечения срока действия договора составляется акт сверки.

4. Обязательства сторон по договору

4.1. Поставщик обязуется:

4.1.1. Осуществить установку поставляемых солнечных панелей согласно п.1.1 настоящего Договора не позднее «__» _____ 202__ года, при условии соблюдения Заказчиком порядка оплаты.

4.1.2. Выполнить Работы, указанные в п. 1.1. настоящего Договора в соответствии с действующими нормативно-техническими документами, строительными нормами и правилами.

4.1.3. Гарантировать 36 месяцев качество поставленных солнечных панелей и выполненных Работ по настоящему Договору.

4.1.4. Предоставить для работ на объекте квалифицированный персонал, аттестованный для всех видов работ по Договору, выполняемых по указанному Покупателем адресу.

4.1.5. Неукоснительно выполнять на Объекте необходимые меры по технике безопасности, меры по охране окружающей среды и меры по пожарной безопасности.

4.1.6. Представить Покупателю в полном объеме исполнительную документацию, сертификаты и паспорта на узбекском и русском языках на приобретаемые и устанавливаемые солнечные панели.

4.1.7. Осуществить поставку по адресу, указанному Покупателем.

4.1.8. По окончании выполнения Работ по настоящему Договору Поставщик представляет Покупателю Акт приемки-сдачи выполненных Работ и счет-фактуру. Сумма НДС выделяется в Акте приемки-сдачи выполненных Работ отдельной строкой. Покупатель в течение 3 рабочих дней рассматривает и утверждает Акт приемки-сдачи в случае отсутствия претензий или направляет Поставщику мотивированный отказ в приемке Работ. В случае непредставления мотивированного отказа в 3-дневный срок с момента представления Поставщиком Акта Покупателю Акт считается принятым и подлежит оплате Покупателем.

4.1.9. В случае мотивированного отказа Покупателя от подписания акта Покупатель передает Перечень необходимых доработок и согласовывает с Поставщиком сроки их выполнения. После устранения замечаний, указанных в Перечне, Поставщик вновь передает Покупателю Акт приемки-сдачи, после чего вступает в силу п. 4.1.8.

4.1.10. Несмотря на подписание Акта приемки-сдачи, Поставщик не освобождается от выполнения любого из обязательств, принятых по условиям настоящего Договора.

4.1.11. Устранять все недоделки в течение времени, согласованного Сторонами. При этом Поставщик обязан начать устранение таких недоделок не позднее 5 дней с даты подписания Перечня доработок.

4.1.12. Сдать выполненные Работы уполномоченным представителям Покупателя.

4.1.13. По желанию Покупателя консультировать персонал Покупателя и передать инструкцию по эксплуатации солнечных панелей.

4.1.14. В рамках исполнения своих обязательств по настоящему Договору, Стороны обеспечивают соблюдение требований антикоррупционного законодательства, гарантируя, что они, их работники, аффилированные лица, бенефициары и привлекаемые для исполнения договора деловые партнеры, посредники, подрядчики или агенты не осуществляют действия, оцениваемые как получение взятки, коммерческий подкуп, дача или посредничество во взяточничестве, подкуп служащего государственного органа, организации с государственным участием или органа самоуправления граждан и иные действия предусмотренные антикоррупционным законодательством.

4.1.15. Стороны воздерживаются от прямого или косвенного, лично или через третьих лиц, предложения, обещания, дачи, вымогательства, просьбы, согласия получить и получения денежных средств, иных ценностей, имущества, имущественных прав или иной материальной и/или нематериальной выгоды в пользу или от каких-либо лиц для оказания влияния на них с целью получения необоснованного преимущества или достижения иных неправомерных целей, в том числе несоответствующих принципам прозрачности и открытости взаимоотношений между Сторонами.

4.1.16. Стороны гарантируют принятие мер по недопущению указанных действий. Стороны обязуются открыто и незамедлительно уведомлять друг друга письменной форме (в т.ч. с использованием корпоративной электронной почты) о возникновении подозрений нарушения или возможности нарушения Сторонами, работниками, бенефициарами, аффилированными или иными лицами, привлеченными ими в рамках исполнения настоящего договора.

4.2. Покупатель обязуется:

4.2.1. Оплатить поставленные солнечные панели и выполненные Работы в соответствии с п. 2.1. настоящего Договора.

4.2.2. Принять поставленное оборудование в сроки, указанные в п. 4.1.1. настоящего Договора.

4.2.3. Обеспечить Поставщику все необходимые условия для выполнения Работ по настоящему Договору:

4.2.3.1. Подготовить объекты к монтажу солнечных панелей (согласование с Поставщиком графика и времени проведения Работ на период производства Работ, ограничение доступа третьих лиц при проведении Работ и т. п.);

4.2.3.2. Обеспечить возможности подключения средств малой механизации Поставщика к источникам электропитания.

4.2.4. Представлять Поставщику имеющуюся документацию и информацию, необходимую для выполнения обязательств Поставщика по настоящему Договору.

4.2.5. Предоставить Поставщику возможность проведения работ по указанному Покупателем адресу не менее 10 часов в день.

4.2.6. Обеспечить все необходимые меры безопасности при выполнении Поставщиком работ.

4.2.7. Обеспечить Поставщика отапливаемым помещением для раздевалки персонала и охраняемым местом (помещением) для складирования материалов, инструмента и солнечных панелей.

4.2.8. Немедленно информировать Поставщика обо всех изменениях, которые могут повлиять на выполнение Работ по настоящему договору.

4.2.9. Обеспечить доступ персонала и транспорта Поставщика на все необходимые для проведения работ площади.

5. Ответственность сторон

5.1. Все нарушения отдельных пунктов Договора рассматриваются совместно Сторонами с целью достижения разумного урегулирования вопросов.

5.2. Если Поставщик не выполнит своих обязательств по срокам поставки или окончания выполнения Работ по причинам, за которые Покупатель не несет ответственности, то Покупатель вправе потребовать уплаты пени в размере 0,5 % от стоимости солнечных панелей и (или) стоимости Работ (Приложение) за каждый день просрочки, но не более 50 % от цены настоящего Договора.

5.3. Поставщик обязуется оплатить сумму пени по первому требованию Покупателя.

5.4. Если Поставщик получил аванс, то при необоснованном отказе Поставщика от выполнения своих обязательств по настоящему Договору, либо в случае расторжения Договора по вине Поставщика, он возвращает Покупателю сумму, определяемую как разность двух сумм: суммы, указанной в пункте 3.1., плюс пеня в размере, определяемой в соответствии с п. 5.2, и суммы стоимостей подписанных Покупателем актов сдачи-приемки солнечных панелей и работ. Кроме того, Поставщик возмещает Покупателю убытки, возникшие в результате отказа Поставщика от выполнения Договора.

5.5. Если Покупатель не выполнил свои обязательства по срокам осуществления платежей, то Поставщик вправе потребовать от Покупателя уплаты пени в размере 0,4 % от суммы просроченного подлежащего к оплате по настоящему Договору платежа за каждый день просрочки, но не более 50 % от цены Договора.

5.6. Задержка, возникшая по вине Покупателя, и ограничивающая возможности Поставщика выполнить свои обязательства в сроки, предусмотренные настоящим Договором,

не будет основанием для взимания пени с Поставщика. При этом Сторонами будут пересмотрены сроки исполнения Поставщиком своих обязательств соразмерно времени задержки.

5.7. Ущерб, причиненный третьим лицам в период осуществления Поставщиком своих обязательств, обусловленных настоящим Договором, возмещается Поставщиком за свой счет.

5.8. Если в процессе выполнения Работ Поставщик поставит солнечные панели ненадлежащего качества или допустит отступления от технической документации, ухудшившие качество Работы, то он обязан за свой счет устранить все выявленные недостатки в установленный по согласованию Сторон срок или, по требованию Покупателя, компенсировать Покупателю затраты на привлечение другой организации для исправления некачественно выполненных Работ.

5.9. В рамках исполнения своих обязательств по настоящему Договору, Стороны обеспечивают соблюдение требований антикоррупционного законодательства, гарантируя, что они, их работники, аффилированные лица, бенефициары и привлекаемые для исполнения договора деловые партнеры, посредники, подрядчики или агенты не осуществляют действия, оцениваемые как получение взятки, коммерческий подкуп, дача или посредничество во взяточничестве, подкуп служащего государственного органа, организации с государственным участием или органа самоуправления граждан и иные действия предусмотренные антикоррупционным законодательством.

5.10. Стороны несут ответственность за нарушения, не поименованные в настоящем Договоре, в соответствии с Гражданским кодексом Республики Узбекистан.

5.11. Все споры, возникающие в период действия настоящего Договора, разрешаются Сторонами путем переговоров. В случае невозможности урегулирования спорных вопросов силами Сторон, они будут рассматриваться в Ташкентском межрайонном экономическом суде, в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан.

6. Гарантии

6.1. Поставщик гарантирует качество выполненных работ и поставленного оборудования по настоящему Договору в течение 36 месяцев со дня подписания Акта сдачи-приемки выполненных Работ. Завод-изготовитель на свои солнечные фотоэлектрические панели дает гарантию на 10 лет бесплатной замены, если панели выходят из строя по вине завода при правильной эксплуатации. Кроме этого, Поставщик гарантирует на 25 лет работы солнечных панелей эффективностью не менее 85% от заводских показателей, начиная с момента запуска оборудования.

6.2. В течение гарантийного периода Поставщик обязуется устранять за свой счет неполадки, возникшие по его вине.

7. Срок действия, условия и порядок внесения изменений и расторжения договора

7.1. Настоящий Договор вступает в силу с момента его регистрации в Казначействе Министерства финансов РУз. и действует до 31 декабря 2022г.

7.2. Настоящий Договор может быть расторгнут по соглашению Сторон.

7.3. Каждая из Сторон имеет право досрочно расторгнуть Договор в случае, если другая сторона существенно нарушила свои обязательства, не начала устранять нарушения в течение 15 календарных дней с даты письменного уведомления или в установленные сроки. В случае расторжения договора в связи с нарушением обязательств Поставщиком он обязан в однодневный срок вернуть сумму перечисленного ему аванса.

7.4. Любая Сторона имеет право прекратить настоящий Договор, если обстоятельства непреодолимой силы длятся более 3 месяцев и существенно препятствуют выполнению Сторонами своих обязанностей по Договору.

7.5. В случае расторжения Договора, Стороны немедленно приложат усилия к достижению финансового урегулирования вопроса об общей сумме, на которую Поставщик

имеет право, в связи с поставленным Оборудованием и фактически выполненными объемами Работ.

7.6. Все изменения и дополнения к настоящему Договору выполняются в письменном виде и оформляются Дополнительными соглашениями.

8. Обстоятельства непреодолимой силы

8.1. В случае возникновения обстоятельств непреодолимой силы, к которым относятся стихийные бедствия, военные действия, эпидемии, крупномасштабные забастовки, вступление в силу законодательных и правительственных актов, прямо или косвенно запрещающих, а также препятствующих исполнению Сторонами обязательств по настоящему Договору, они освобождаются от ответственности за неисполнение взятых на себя обязательств.

8.2. Сторона, понесшая убытки из-за невыполнения другой Стороной своих обязательств по настоящему Договору в связи с обстоятельствами непреодолимой силы, имеет право получить от нее документальное подтверждение о масштабах этих событий, а также об их влиянии на ее деятельность, подтвержденное компетентными органами и организациями.

9. Антикоррупционные положения

9.1. Стороны и любые физические или юридические лица, привлекаемые Сторонами для выполнения обязательств по Договору, включая их сотрудников, Заказчиков и Подрядчиков в силу требований ЗРУ «О противодействии коррупции» (№ЗРУ-419 от 03.01.2017г.):

- не должны предлагать, обещать, давать, требовать или получать взятки, или иные коррупционные платежи, в том числе любому государственному должностному лицу с тем, чтобы это должностное лицо совершило какое-либо действие или бездействие при выполнении своих обязанностей;

- не должны, намеренно или по небрежности, совершать действие, которые могут привести к нарушению «Подрядчик» и «Заказчик, или любым из прямых и косвенных акционеров, директоров, должностных лиц или сотрудников;

- в случае возникновения у любой из Сторон обоснованных подозрений в нарушении (или возможном нарушении) требований законодательства РУз о противодействии коррупции, должны добросовестным образом взаимодействовать с другой Стороной и её представителями для установления факта такого нарушения.

10. Прочие условия

10.1. Поставщик гарантирует освобождение Покупателя от ответственности, связанной с несчастными случаями в отношении персонала Поставщика в процессе выполнения Работ по настоящему Договору.

10.2. Все дополнения и изменения подписываются всеми Сторонами и являются неотъемлемыми частями настоящего Договора.

10.3. Содержание настоящего Договора и всех вопросов, связанных с ним, являются конфиденциальным. Обязательства по сохранению конфиденциальности лежат на всех Сторонах.

10.4. Настоящий Договор с Приложением не содержит помарок и исправлений и представляет собой единый Договор Сторон относительно изложенного Предмета договора, который может быть дополнен или изменен только в письменной форме и подписан Сторонами.

10.5. В удостоверение вышесказанного, уполномоченные представители Сторон подписали и скрепили печатями настоящий Договор в двух экземплярах, по одному для каждой Стороны.

11. Реквизиты сторон:

ЗАКАЗЧИК:

АО «UZSUVTA'MINOT»

Юр.адрес: г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Ниёзбек йўли, 1,

Наименование банка: «Ипотека-банк»
АТИБ Мехнат филиал, г. Ташкент
ИНН: 307 224 696, МФО 00423
Расчетный счет: 20210000505194882001
ОКЭД: 36000 - Сбор, обработка и распределение воды
Телефон: +998 55 503 12 55,
E-mail: info@uzsuv.uz

А/С 3099 1086 0262 6670 6320 1110 392

Заместитель председателя правления

Рахмагуллаев Х.Х.



ПОСТАВЩИК:

АО «O'zbekenergota'mir»

Ташкентская область, Кибрайский район, Фидокор МСГ, улица Таш ГРЭС, дом 296

Наименование банка: в операционном управлении АТ "Garant bank"
ИНН 201059014, МФО 00439
р/счет №20210 000 500 124 977 001,
р/к №23202 000 600 124 977 001
ОКЭД 33140
Телефон 71 236-61-43, факс: 71 260-41-43

И.о.Генерального директора

И.Б.Раджабов









Финансовый директор	
Главный бухгалтер	
Начальник ПЭО	
Начальник ТО	
Начальник юридического отдела	

Ф.Афандиёв







**Устройства солнечных фотоэлектрических станций для существующих насосных сооружений
ООО "Жиззах сув таъминоти"**

1. Строительства 10 кВт Бахмалский район,
МСГ Бунёдкор, село "Бурон"

№	Наименование материала	фото	Количество, шт	Срок гарантии (год)
1	Панели солнечные 685 ватт WS500M-72H Solar Module Mono PERC Half Cell Tech		15	25
2	DC Combiner Box In1/Out1		1	5
3	Инвертор 11 кВт 380-400V 50/60 Hz Growatt On Grid Inverter TUV Certification MOD 11KTL3-X		1	8
4	Кабель для постоянного тока 4mm2 Uv Resistance		206	
5	Mc 4 connector		6	5
6	Металлоконструкция для установки панелей (т)		0,26	5

7	Бетон/раствор (м3)		1,90	20
---	--------------------	--	------	----

2. Строительство 7,5 кВт Ш, Рашидовский район,
ССГ "Околтин", село (Хуросан)

№	Наименование материала	фото	Количество, шт.	Срок гарантии
1	Панели солнечные 685 ватт WS500M-72H Solar Module Mono PERC Half Cell Tech		11	25
2	DC Combiner Box In1/Out1		1	5
3	Инвертор 8 кВт 380-400V 50/60 Hz Growatt On Grid Inverter TUV Certification MOD 8000TL3-XH		1	8
4	Кабель для постоянного тока 4mm2 Uv Resistance		151	
5	Mc 4 connector		4	5
6	Металлоконструкция для установки панелей (т)		0,19	5
7	Бетон/раствор (м3)		1,40	20





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil « 22 » январь

№ ПҚ–98

2022–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини изчил ривожлантириш, қишлоқ ва маҳаллаларни янада обод қилиш, жойларда қулай тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини шакллантириш, шунингдек, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда – маҳаллий ҳокимликлар), манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда ишлаб чиқилган **2022–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) қабул қилинсин.

Қуйидагилар:

2022 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий параметрлари ҳамда 2023–2024 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 1-иловага мувофиқ;

2022 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш доирасида **молиялаштириладиган йўналишларнинг асосий параметрлари 1а-иловага мувофиқ;**

2022 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини **ишга тушириш ва янги қувватлар яратишнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳамда 2023–2024 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 2-иловага мувофиқ;**

2022 йилда **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида** объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатлар **3–16-иловаларга мувофиқ;**

2022 йилда **маъмурий, муҳандислик-инфратузилма, алоҳида муҳим ва тоифаланган** объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича манзилли рўйхат 17-иловага мувофиқ;

2022 йилда **ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва мудофаа** объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича манзилли рўйхат 18-иловага мувофиқ;

2022 йилда **лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган объектлар** рўйхати 19-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига Дастурнинг асосий параметрлари, мақсадли кўрсаткичлари ҳамда манзилли рўйхатлари белгиланган муддатларда сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини, шунингдек, ажратилган маблағлар мақсадли ҳамда самарали сарфланишини таъминлаш юзасидан **шахсий жавобгарлик юклансин.**

2. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича **Республика комиссияси** (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) 20-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Республика комиссияси (А.Н.Арипов) Дастурнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш доирасида:

Дастурда иштирок этаётган вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар **фаолиятини мувофиқлаштириб борсин** ҳамда уларнинг **ўзаро ҳамкорлигини таъминласин;**

лойиҳаларни амалга оширишда юзага келадиган **муаммоли масалаларни тезкор ҳал этиш** чораларини кўрсин ва масъул раҳбарларнинг бу борадаги ишлари устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Дастур ижросини **ҳар ойда** муҳокама қилиб, лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, маблағларни мақсадли сарфлаш ва уларнинг натижадорлигини таъминлаш юзасидан **масъул раҳбарларнинг ҳисоботини** эшитиб борсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати томонидан Дастурнинг асосий параметрларига тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари ҳамда молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган **қўшимча лойиҳаларни (объектларни) киритишни**, шунингдек, **айрим лойиҳаларни (объектларни) чиқариб ташлашни** назарда тутувчи ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилиши;

Республика комиссияси (А.Н.Арипов) томонидан Дастурнинг асосий параметрларига **иқтисод қилинган ёки ўзлаштирилмаган капитал қўйилмалар лимитларини лойиҳалар (объектлар) буюртмачилари (ташаббускорлари) ўртасида қайта тақсимлаш** бўйича ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилиши;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш, шунингдек, танлов (тендер) яқунларига мувофиқ, Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар (объектлар) параметрларига **буюртмачилар (ташаббускорлар) бўйича белгиланган капитал қўйилмалар лимитлари доирасида тузатиш ва аниқликлар** киритилиши мумкин.

Дастурнинг асосий параметрларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасига Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда манфаатдор **маҳаллий ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг тегишли таклифлари** асосида киритилиши белгилаб қўйилсин.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида режалаштирилган маблағларни **ички манбалар ҳисобидан жалб қилинган қарз маблағларини, хорижий кредитларни ва улар бўйича ҳисобланган фоиз тўловларини қоплашга**, шунингдек, **объектлар қуриш учун кредитлар ажратишга йўналтириш тақиқланади**. Бунда, аввал қабул қилинган тегишли қарорлар доирасида кредитлар бўйича асосий қарз ва фоиз тўловлари республика бюджетида давлат қарзига хизмат кўрсатиш учун режалаштирилган маблағлар ҳисобидан қопланади;

Дастурга киритилган ҳудудий лойиҳалар (объектлар) бўйича лойиҳа ҳужжатларига асосан капитал қўйилмалар лимитлари етишмаган тақдирда, уларни **қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш билан боғлиқ асослангандирган қўшимча харажатлар** Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорларига асосан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг **қўшимча манбалари маблағлари** ҳисобидан қопланади;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан **идоравий объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш** ишларининг манзилли рўйхатлари ҳар йили **1 апрелга қадар** Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–32-сон Фармони доирасида **ижтимоий соҳа объектларини қуриш ишлари учун зарур маблағлар (500 млрд сўм)** Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун 2022 йилга назарда тутилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. 2022 йилдан бошлаб:

икки йил муддатга вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг **маъмурий биноларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янгидан бошланадиган лойиҳаларни** (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган, шунингдек, янгидан ташкил этиладиган шаҳар ва туманларда жойлашадиган лойиҳалар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш **дастурларига киритиш тақиқлансин;**

келгуси йиллар учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантириш жараёнларида **кейинги йилларга ўтадиган лойиҳалар (объектлар) сони босқичма-босқич қисқартирилсин** ва уларни мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда **тегишли молиявий йилда фойдаланишга топшириш** назарда тутилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М.Бобоев), Молия вазирлиги (А.Я.Хайдаров) маҳаллий ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда **ушбу банд талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминласин.**

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Қурилиш вазирлиги (Б.И.Зокиров), Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров), манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Дастурнинг манзилли қисмига киритилган объектларни қуриш ва (ёки) реконструкция қилиш учун **зарур ер участкаларини белгиланган тартибда ажратиш;**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ҳамда дастурлари асосида шакллантириладиган **лойиҳалар портфелига мувофиқ, ҳар йили 1 апрелга қадар** қурилиш объектлари учун **зарур ер участкаларини белгиланган тартибда захирага олиш** чораларини кўрсин.

7. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар – буюртмачилар (лойиҳалар ташаббускорлари):

а) икки ҳафта муддатда молиялаштириш ҳажмларини қурилиш-монтаж ишларининг календарь жадваллари билан ўзвий боғлиқликда аниқлаштирган ҳолда, 2022 йил учун **йилдан-йилга ўтувчи қурилиш объектларининг манзилли рўйхатини** Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига келишиш учун киритсин;

б) икки ой муддатда 2022 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари асосида, белгиланган тартибда **танлов (тендер) ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, харид қилиш тартиб-таомилларини яқунлаш ва танлов (тендер) ғолиблари билан пудрат шартномаларини тузиш** чораларини кўрсин;

в) харид қилиш тартиб-таомиллари яқунланганидан сўнг ўн кун ичида 2022 йил учун **янгидан бошланадиган қурилиш объектларининг якуний манзилли рўйхатини** Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига келишиш учун киритсин;

г) 2022 йил 15 февралга қадар Дастурнинг асосий параметрларини бажариш, шу жумладан лойиҳалар (объектлар) бўйича капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг **прогноз кўрсаткичларини чораклар кесимида** тасдиқлаб, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этсин. Бунда:

2022 йил **биринчи ярим йиллигида** барча лойиҳалар (объектлар) бўйича маблағларни ўзлаштириш йиллик прогноз кўрсаткичининг камида **40 фоизини**, шу жумладан **йилдан-йилга ўтувчи объектлар** бўйича камида **55 фоизини** бажариш;

2022 йилда яқунланадиган **таълим муассасалари** объектларини – **15 августга қадар, соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар** объектларини – **1 октябрга қадар, ирригация ва мелиорация тизимлари** объектларини – **1 декабрга қадар** фойдаланишга топшириш назарда тутилсин;

д) жорий йилда қурилишни давом эттириш учун маблағ (лимит) назарда тутилмаган тугалланмаган ва фойдаланилмаётган объектларни белгиланган тартибда консервация қилиш, шунингдек, уларни консервация даврида лозим даражада **сақлаш ва муҳофаза қилиш** чораларини кўрсин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев) вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда:

Дастурнинг ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилиши, **ҳар ойда** лойиҳалар (объектлар) кесимида муҳокамалар ташкил этилиши ва юзага келадиган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилинишини таъминласин, мониторинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

2022 йил 1 июнга қадар 2023 йилда амалга ошириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаларининг (объектларининг) **дастлабки манзилли рўйхати** Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

9. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

а) икки ой муддатда ҳудудларнинг сув таъминоти, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва бошқа ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, Дастурга киритилган **ирригация ва мелиорация лойиҳаларининг самарадорлиги ва натижадорлигини** таҳлил қилсин;

б) уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

ирригация ва мелиорация объектларини **сув ҳамда электр энергияси сарфини ўлчаш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган ускуналари** билан жиҳозлаш учун зарур маблағлар миқдори ва молиялаштириш манбалари;

суғориш тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини такомиллаштириш, шу жумладан замонавий турдаги **ресурс тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш** бўйича таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–43-сон қарорига мувофиқ тузилган Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби (Э.Т. Юлдашев):

туман (шаҳар) ва ҳудудлар даражасида Дастурнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши, шу жумладан ҳар бир лойиҳа (объект) бўйича **маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши, қурилиш-пудрат ишлари сифатли бажарилиши, харид қилиш тартиб-таомиллари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши;**

Дастур доирасида 2022 йилда яқунланадиган **таълим муассасалари объектлари 15 августга қадар, соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар объектлари 1 октябрга қадар, ирригация ва мелиорация тизимлари объектлари 1 декабрга қадар** фойдаланишга топширилиши;

мазкур қарорнинг 5-бандига мувофиқ, келгуси **икки йил давомида** вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг **маъмурий биноларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янгидан бошланадиган лойиҳалар** (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган, шунингдек, янгидан ташкил этиладиган шаҳар ва туманларда жойлашадиган лойиҳалар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритилмаслиги устидан **тизимли назоратни** ташкил этсин.

11. Қуйидагилар:

а) Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов – Дастурнинг сифатли амалга оширилишини мувофиқлаштириш, тасдиқланган прогноз параметрлари бажарилишини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш ва объектларнинг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминлашга;

б) Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров – Дастур доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар (объектлар) доимий мониторинг ва таҳлил қилиб борилишини, маблағлар ўз вақтида ажратилиши ҳамда самарали сарфланиши устидан **тизимли молиявий назоратни** таъминлашга;

в) қурилиш вазири Б.И.Закиров – объектларнинг лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилишида энг мақбул меъморий ҳамда техник ечимлар қўлланилиши, қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши, шунингдек, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этилиши устидан тизимли назоратни таъминлашга;

г) мактабгача таълим (А.В.Шин), халқ таълими (Б.О.Саидов), олий ва ўрта махсус таълим (А.Х.Тошқулов), соғлиқни сақлаш (Б.А.Мусаев), туризм ва спорт (А.А.Абдухақимов), маданият (О.А.Назарбеков), транспорт (И.Р.Маҳкамов), сув хўжалиги (Ш.Р.Хамраев), уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш (Ш.С.Хидоятлов) вазирлари – маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг мақсадли ишлатилиши, қурилиш-монтаж ишларининг сифатли амалга оширилиши ва объектларнинг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминлашга;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари:

Дастурга киритилган лойиҳалар (объектлар) бўйича маблағларни самарали ва мақсадли ишлатиш, қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажариш ҳамда объектларни белгиланган муддатларда ишга туширишга;

2022 йил 1 майга қадар, мазкур қарорнинг 1-иловасида белгиланган мақсадли мўлжаллардан келиб чиқиб, 2023–2025 йилларда амалга ошириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси лойиҳалари (объектлари) юзасидан тегишинча **Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида кўриб чиқилган таклифларни** белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этишга;

2023 йил ва келгуси йиллар учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг манзилли қисмига киритиладиган лойиҳаларнинг (объектларнинг) лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари қурилиш нормалари ва меъёрлари талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда, ўз вақтида ишлаб чиқилиши ҳамда **2022 йил 1 ноябрга қадар** белгиланган тартибда **экспертизадан ўтказилишини** таъминлашга **шахсан масъул ва жавобгар эканлиги** белгилаб қўйилсин.

12. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М.Бобоев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж.Раматов ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Қарор ижросини **ҳар ойда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 22 январдаги ПҚ–98-сон қарорига
1а-илова

**2022 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури
доирасида молиялаштириладиган йўналишларнинг асосий параметрлари**

млрд сўм

Т/р	Соҳалар номи	2022 йил учун лимит
	Жами	23 790,0
	<i>шу жумладан, ҳудудлар кесимида</i>	13 507,1
1	Олий таълим муассасалари	682,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ҳудудлар кесимида	572,2
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун*	64,8
	Келгуси йилларга лойиҳа қидирув ишлари учун*	20,0
	Жиҳоз ва ускуналарни харид қилиш учун*	25,0
2	Умумтаълим мактаблари	2 478,2
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ҳудудлар кесимида	2 140,8
	Пахса ва хом ғиштдан қурилган ҳамда бугунги кунда авария ҳолатидаги мактабларни қайта қуриш ва таъмирлаш учун*	102,2
	Жиҳоз ва ускуналарни харид қилиш учун*	233,2
	Ихтисослаштирилган мактабларнинг лойиҳа қидирув ишлари учун*	2,0
3	Мактабгача таълим ташкилотлари	800,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ҳудудлар кесимида	800,0
4	Тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар	1 244,3
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ҳудудлар кесимида	1 089,6
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун*	64,7
	Келгуси йилларга лойиҳа қидирув ишлари учун*	40,0
	Жиҳозлаш учун*	50,0
5	Жисмоний тарбия ва спорт	500,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ҳудудлар кесимида	459,8
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун*	24,7
	Келгуси йилларга лойиҳа қидирув ишлари учун*	15,5
6	Маданият ва санъат	150,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ҳудудлар кесимида	138,1
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун*	6,9
	Келгуси йилларга лойиҳа қидирув ишлари учун*	5,0

Т/р	Соҳалар номи	2022 йил учун лимит
7	Илм-фан ва инновация	47,2
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ҳудудлар кесимида	44,5
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун*	1,2
	Келгуси йилларга лойиҳа қидирув ишлари учун*	1,5
8	Сув таъминоти ва канализация	1 020,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ҳудудлар кесимида	854,7
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун*	20,0
	Келгуси йилларга лойиҳа қидирув ишлари учун*	10,0
	Жиҳозлаш ва ускуналарни харид қилиш учун*	68,0
	Кўп қаватли ва намунавий уйлар, хизмат уйлари ичимлик ва оқава сув тизимларини қуриш учун*	51,3
	Давлат ижтимоий буюртма лойиҳалари*	16,0
9	Иссиқлик таъминоти	300,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ҳудудлар кесимида	270,0
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун*	13,0
	Келгуси йилларга лойиҳа қидирув ишлари учун*	17,0
10	Автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар	2 400,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ҳудудлар кесимида	1 520,8
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун*	30,0
	Келгуси йилларга лойиҳа қидирув ишлари учун*	80,0
	Ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш учун*	70,0
	Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда автомобиль йўлларини қуриш-таъмирлаш учун*	250,0
	Эркин иқтисодий зоналар, эркин иқтисодий-индустриал зоналар ва бошқа махсус саноат зоналарига олиб борувчи ва ички автомобиль йўлларини қуриш-таъмирлаш*	35,0
	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ўлчов тарозиларини ўрнатиш учун*	100,0
	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида жойлашган таъмирталаб ва авария ҳолатидаги кўприклар ва бошқа сунъий иншоотларни қайта тиклаш учун*	253,2
	Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича буюртмачининг бошқа харажатлари	1,0
	Қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар ва хизмат уйларининг ички йўлларини қуриш учун*	60,0

Т/р	Соҳалар номи	2022 йил учун лимит
10	Темир йўл ва метро транспорти	300,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ҳудудлар кесимида	284,0
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун*	16,0
11	Ирригация тармоқлари ва иншоотлари	1 143,9
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ҳудудлар кесимида	869,4
	Халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларнинг давлат бюджети қисми (Сув хўжалиги вазирлиги)	274,5
12	Мелиорация тармоқлари ва иншоотлари	350,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ҳудудлар кесимида	350,0
	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	14,2
	<i>шу жумладан:</i>	
	Ҳудудлар кесимида	12,8
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун*	0,7
	Келгуси йилларга лойиҳа-қидирув ишлари учун*	0,7
13	Ҳуқуқни муҳофаза қилиш (ёпиқ қисм билан биргаликда)	4 548,0
14	"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига асосан амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича*	3 000,0
	Ҳудудлар кесимида	3 000,0
15	Бошқалар*	4 812,2
	<i>шу жумладан:</i>	
	Олис ва ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғир бўлган ҳудудларда ижтимоий ва инфратузилма объектларини амалга ошириш учун	76,5
	Ҳудудлар кесимида	1 100,5

*) объектларнинг манзилли рўйхатлари Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати томонидан тасдиқланади.